



БАРЧА САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ОБОДЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 август куни давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари ҳамроҳлигида Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Биринчи манзил Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналиши бўлди. Давлатимиз раҳбари "Бодомзор" бекатидан янги "Туркистон" бекатигача поездда бориб, амалга оширилган ишларни кўздан кечирди.

— Бу йўл ҳамма нарсани тезлаштиради. Ҳаракатни ҳам, иқтисодиётни ҳам, ҳаётни ҳам, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу метро йўналишининг иккинчи босқичи қурилиши Президентнинг 2016 йил 7 ноябрдаги қарорига

мувофиқ бошланган эди. Шавкат Мирзиёев бу ерга бир неча бор келиб, ишнинг бориши билан танишганди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 103,8 миллион доллар бўлиб, қарийб 3 километр метро йўли ҳамда

"Юнусобод" ва "Туркистон" бекатлари барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари мазкур бунёдкорлик ишларининг тарихини ёдга олди.

— Бу йўлни қуриш осон бўлгани йўқ, — деди Президент. — Маблағ топиб, чет

элдан мутахассислар олиб келиб, лойиҳани синчиқлаб қўриб чиқдик. Икки йил давомида қурилиш бўлди. Энг муҳими, бу транспорт арзон, хавфсиз, қулай.

Мутахассислар қурилиш жараёни ва сифати ҳақида маълумот берди. Йўлнинг 850 метр қисми ер ости суви кўп жойга тўғри келган. Шунинг учун илгари буни амалга ошириш имкони бўлмаган. Янги лойиҳада Германия технологияси қўлланилиб, сувли жойдан темир-бетон тубинг қўйиш орқали ўтилган.

Яна бир аҳамиятли томони, метрополитенининг Юнусобод йўналиши учун рентабеллиги юқори эмасди. Бугунги кунда Юнусобод туманида 340 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Метро йўли узайтирилиб, янги бекатлар қурилгани одамларга катта қулайлик яратди.

Бу транспорт тармоғи иқтисодиёт ва экология жиҳатидан улкан аҳамиятга эга. Хусусан, мазкур икки бекат орқали кунига 7,5 минг йўловчи хизмат кўрсатилади. Натижада автобуслар йўналиши оптималлашиб, автомобиллар тирбандлиги камайдди. Йилига 5,3 минг тонна зарarli газ атмосферага чиқишининг олди олинади.

Умуман айтганда, Тошкент метрополитенидан кунига 240 минг йўловчи фойдаланади. Жами 21 километрдан иборат учта янги — Юнусобод, Сергели ва Қўйиқ йўналишлари қурилиши натижасида яна 150 мингдан зиёд киши қамраб олинishi режалаштирилган.

Шундан сўнг, Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Аҳмад Дониш кўчасида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўрди.

Илгари бу кўча ўртасидаги майдон бетон девор билан ўралгани сабабли йўл жуда тор эди. Юнусобод метро йўналишининг давоми қурилиши натижасида бу жой очилди. Аҳмад Дониш кўчасининг Амир Темур кўчасидан Тошкент халқа автомобиль йўлигача бўлган 2,2 километр қисми 6 қаторли қилиб қайта қурилди. 4 қаторли мавжуд йўл реконструкция қилинди. Пйедалар ва велосипед йўлакчалари, майсазорлар ташкил этилди. Энергия тежамкор ёритиш мосламалари ўрнатилди.

Яна бир муҳим жиҳати — Аҳмад Дониш кўчаси ўртасидаги яшил ҳудуд ва кўча бўйларидидаги дарахтлар сақлаб қолинди. 1850 та манзарали дарахт кўчати экилди.

— Йўл қурилишига қўшимча пул бериб, замонавий техникалар олингани бугун натижасини берапти. Бу эса одамларга манфаат, сифат келтириши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Чорраҳаларда йўл 92 метргача кенгайтирилган. Транспорт воситалари ўнг тарафга тўхтовсиз ҳаракатланиши кўзда тутилган. Бу Аҳмад Дониш, Амир Темур, Боғишамол каби кўплаб кўчалардаги тирбандлиқни камайтиради. Тошкент ва Қйрай туманлари аҳолисининг пойтахт марказига етиб бориш вақти 2 баробар қисқаради. Ушбу янги трассада бир кунда 60 минггача транспорт воситаси ҳаракатланиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари бу ерда мутасаддиларга йўлсозлик сифати ва қўламини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Одамларимиз ҳам, меҳмонлар ҳам йўлга қараб давлатга баҳо беради. Йўллар яхши бўлса, халқимиз рози бўлади. Шунинг учун бундай сифатли йўлларни ҳудудларда ҳам қуриш, қишлоқ йўлларини ҳам узгартириш керак, — деди Президент.

Шу ерда Юнусобод тумани аҳолиси вакиллари билан самимий мулоқот бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев, шунингдек, Тошкентнинг Фарғона йўли кўчасида амалга оширилаётган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ҳам бориб кўрди.

Туркиянинг "Kalyon" ширкати билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган лойиҳага асосан, 8 қаторли янги автомобиль йўли қуриш, 2 қаторли мавжуд йўлни реконструкция қилиш, энергия тежамкор ёритиш мосламалари ўрнатиб, пйедалар ва велосипед йўлакчалари, майсазорлар ташкил этиш режалаштирилган.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш, балиқчилик ва балиқ овлаш хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада ер ва сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда интенсив технологияларнинг кенг жорий этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки:

2020 йилдан бошлаб сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирадиган балиқчилик хўжалиқларига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ сув объектидан олинган ва қайтариб чиқарилган сув

ҳажми ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун белгиланган ставкаларда ҳисобланади;

коллектор-дренаж сувларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди;

балиқчилик хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш учун фойдаланилган сувнинг ҳажми ҳақиқатда истеъмол қилинган ҳажмдан келиб чиққан ҳолда, Сув хўжалиги вазирлиги таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан аниқланади;

балиқчилик хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан фойдаланилган сувнинг ҳақиқатда истеъмол қилинган ҳажмини аниқлаш имкони бўлмаганда, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базаси белгиланган сувни истеъмол қилиш нормативларининг 50 фоизи миқдоридан белгиланади;

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар йили сув лимитлари белгиланганда балиқчилик хўжаликлари фойдаланиши мумкин бўлган коллектор-дренаж тармоқларининг рўйхати шакллантирилади ҳамда Сув хўжалиги

вазирлигининг веб-сайтида жойлаштириб борилади;

балиқчилик хўжаликлари фойдаланиши мумкин бўлган коллектор-дренаж тармоқларидаги сувлардан коллектор-дренаж тармоқларининг лойиҳавий параметрларига rioя қилган ҳолда фойдаланади.

2. Сув хўжалиги вазирлиги: фойдаланиш мумкин бўлган коллектор-дренаж тармоқлари, ундаги сувларнинг шўрланиш даражаси ва сифати доимий назорат қилиниши ҳамда бу тўғрисидаги маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтида кўрсатиб борилишини;

▶ Давоми 3-бетда

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ:

БУГУНГИ ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИАТЛАР ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР

Самарқанд башариятнинг чексиз ҳайрат, абадий меҳр-оқибат, нодир маданият ва буюк келажак шаҳри ҳисобланади. Бу кўҳна кент қадимдан Буюк ипак йўлининг чорраҳаси, Ғарб ва Шарқни боғловчи кўприк бўлган. Ҳудудда савдо-сотик, ҳунармандчилик ривожлангани боис, аҳоли бой ва фаровон яшаган.

Ҳозир Самарқанд вилоятида 3 миллион 800 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Вилоятда 6249 та саноат корхонаси, 166 та қўшма корхона, 1119 та хусусий фирма фаолият кўрсатмоқда. Мазкур корхоналар томонидан бир йилда қиймати 15 триллион 950 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятдан дунёнинг 60 га яқин давлатига "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги билан 151,5 миллион долларлик товар ва хизматлар экспорт қилинди. Экспортнинг асосий қисми Хитой, Россия, Қозғистон, Туркия, Япония, Словения ва Германия ҳиссасига тўғри келди.

▶ Давоми 6-бетда

Язгули МАММЕДОВ:

ТУРКМАНИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ АСРЛАР ДАВОМИДА ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИКДА ЯШАБ, ДОИМО ЎЗARO ЯҚИН БИРОДАРЛИК ҲАМДА ОИЛАВИЙ АЛОҚАЛАРНИ ҚАДРЛАБ КЕЛГАН

Туркменистон Ўзбекистон учун дўст қўшни давлат, минтақа ва халқаро микёсда ишончли шериклардан биридир. Бугун икки давлат раҳбарлари — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг мустаҳкам сиёсий иродаси, дўстона муносабатлари туфайли икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Энергетика, транспорт, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги каби соҳаларда ҳамда бошқа қатор муҳим йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мисли кўрилмаган фаоллашувчи Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги алоқалар ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамлигини яққол кўрсатмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида "Дунё" АА муҳбири Туркменистоннинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва муҳтор элчиси Язгули Маммедов билан давлатларимизнинг икки томонлама муносабатлари ривожланиши ва истиқболлари хусусида суҳбатлашди.

— Элчи жаноблари, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Ўзбекистон — Туркменистон дўстлиги, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари, унинг узоқ ва қисқа муддатли истиқболлари ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 2018 йил апрель ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида: "Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик бугунги кунда Марказий Осиёдаги жараёнларнинг барқарорлиги ва ижобий ривожланиши учун стратегик омил ҳисобланади. Бу, авваламбор, минтақадаги мамлакатларимизнинг Осиёда узоқ муддатли барқарорлигининг ишончли бугини, можаролар ва қарама-қаршилиқлардан холи ва кенг халқаро шериклик майдонига айланиши демакдир.

Туркменистон ва Ўзбекистон минтақамиздаги барча муаммолар фақат тинч йўл билан, яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат, тенглик ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида ҳал қилиниши кераклигига аминимиз", дея қайд этган эди.

▶ Давоми 3-бетда

БАРЧА САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ОБОДЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бекат

Давлатимиз раҳбари бир километр йўл қуришга юртимиз ва хорижда кетадиган маблаг ҳамда материаллар қатламини таҳлил қилиш асосида йўл индустриясини такомиллаштириш бўйича курсатмалар берди. Автомагистраллар билан бирга ички йўлларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Тошкент ер усти халқа метро линиясининг биринчи босқичи — “Дўстлик-2 — Қўйлик” йўналиши қуриб битказилди. Ушбу улкан транспорт линиясини лойиҳалаштириш 2017 йилда бошланган эди. Қурилишнинг бориши давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлди. Метронинг ушбу участкасида 7 та бекат барпо этилган. Янги йўналишнинг узунлиги 11,5 километр.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ерга ташриф буюриб, жамоатчилик билан бирга поездда юрди.

Бекатлар миллий колорит асосида, ўзига хос дизайнда қурилган. Йўловчиларга қулайлик яратувчи замонавий технологиялар, йўлқирани электрон тўлаш имконини берувчи турникетлар ҳамда эскалатор билан жиҳозланган. Иккинчи қаватдаги бекатларга имконияти чекланган йўловчилар учун махсус лифтлар ҳам ўрнатилган. Масалан, Тузель ҳудудидаги учинчи бекат аҳоли гажум жойда, автомобиллар чорраҳасида жойлашган. Ушбу бекатда тушиб чиқадиган йўловчилар оқими нисбатан кўпроқ бўлиши кутилмоқда. Икки қаватдан иборат бекатнинг биринчи қаватида ишчи-ходимлар учун маъмурий ҳамда тиббий хоналар ва касса қурилган. Йўловчилар кириб чиқиши, махсус турникетдан ўтиши биринчи қаватда амалга оширилди. Иккинчи қават эса перрон қисми бўлиб, унинг бир томонида йўловчиларга қулай бўлиши учун янги эскалатор, иккинчи томонида эса имконияти чекланган йўловчилар учун махсус лифт ўрнатилган. Перрон қисми замонавий ёриткичлар билан безатилган. Бекат ичида Тошкент метрополитени харитаси, перронда эса шаҳар ташқарисига чиқиш учун кўчалар номини кўрсатувчи маълумотлар белгиси қўйилган.

Перрондан поездга чиқиш қисмига кўзи оқизлар учун махсус бўрттирилган плиталар ётқизилган. Бекатнинг асосий икки томони куёш нури кам ўтказадиган махсус ойналар билан қопланган. Перронга кириб-чиқиш ҳудудларида кўркам ва рангли кафеллардан фойдаланилган. Бекат атрофи ва ҳудуди ободонлаштирилиб, замонавий ёриткичлар ўрнатилган, йўлакларга узоқ муддатга чидамли брусчаткалар, мрамар тошлари терилган.

Учинчи бекатдан сўнг Илтифот ҳудудидаги тўртинчи ҳамда Рохат ҳудудидаги бешинчи

бекат келади. Пойтахтимизнинг шарқий дарвозасига кириш ҳудудида жойлашган ушбу кўркам бекат орқали шахримиз аҳолиси ва меҳмонлари Тошкентнинг марказий ва чекка ҳудудларига қисқа фурсатда хавфсиз етиб бориш имконига эга бўлади.

Ушбу йўналишда поездларнинг ўртача юриш тезлиги соатига 60 километрни ташкил этади. Оралиқ масофани босиб ўтиш вақти — 19 дақиқа, бекатларда тўхташ вақти — 15 сония, ҳар бири 4 та вагондан иборат 4 та поезд қатнайди. Россия Федерациясидан метро линияларининг эстакада йўналишида ҳаракатланадиган замонавий ва юқори сифатли, йўловчилар учун барча қулайликларга эга вагонлар тайёрланиб, юртимизга келтирилди.

“Дўстлик-2 — Қўйлик” йўналиши фойдаланишга топширилиши ҳисобига 225 янги иш ўрни яратилди. Ушбу йўналиш кунига 46 минг йўловчи хизмат кўрсатиши имкониятига эга.

— Пойтахтимизда транспорт кундан-кунга кўпайиб бормоқда, бу тирбандлик охиши билан бирга ҳавонинг ифлосланишига ҳам сабаб бўлмоқда. Ер усти метроси арзон, қулай ва хавфсиз. Энг муҳими, бу бошқа жамоат транспортларидаги юкларни ўзига олади, шаҳар марказидаги тирбандликни камайтиради, — деди Шавкат Мирзиёев.

“Қўйлик” бекатида кейинги босқичлар қурилиши бўйича тақдимот ўтказилди. Ер усти халқа метроси лойиҳасининг умумий қиймати 422 миллион доллардан зиёд бўлиб, бешта босқичда амалга оширилиши режалаштирилган. Иккинчи босқичда Қўйлик бозори билан Тошкент ер ости метросининг “Олмазор” бекати боғланади. Учинчи бўлиб “Беруний”, ундан кейин “Бодомзор” бекатига ҳам бўлган қисм қурилади. Сўнгги босқичда эса халқа метро линияси яна “Дўстлик” бекатига уланади. Бу йўлларнинг жами узунлиги қарийб 55 километр, бекатлар 35 та бўлади.

Президентимиз аҳолига қулайлик яратиш мақсадида янги замонавий транспорт линиясининг қолган босқичларини ўз муддатида фойдаланишга топшириш, қурилиш сифатига эътибор бериш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Президент Яшнобод туманидаги Фаргона йўли кўчасида, Қорасув канали бўйида қуриладиган “Ассалом, соҳил!” турар жой мажмуаси билан танишди.

22 қўп қаватли уй, 58 кotteж, мўъжаз сайилгоҳлар, яшил майдончалар, антика даракталар, гуллар, бетакрор кўринишдаги таълим мажмуасалари, соғломлаштириш мажмуалари, амфи-театр, кафелар, бизнес марказ, умуман, аҳоли яшаш учун барча қулай объектлар... Буларнинг барчаси ҳаётга, келажакка иштиёқингизни оширади.

Мажмуани “Golden house” компанияси қурмоқда. 16 та 9 қаватли, 4 та 9-12 қаватли, 2 та 14-16 қаватли уйда 3236 хонадон бўлади. Биринчи босқичда йил охирига қадар 6 та 9 қаватли уй фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Хонадонлар майдони 35 квадрат метрдан 120 квадрат метргача. Ипотека кредити асосида ҳам сотилади. Ҳар қачон ҳам, 3 хонали уй 20 йил муддатга кредитга олинса, ойлик тўлови 5 миллион сўмдан айланади, демоқда компания мутахассислари.

Уйлар билан туташ ҳудудда савдо-кўнгулочар марказ ҳам қурилади. Марказ ва уйлар ўртасидан оқиб ўтувчи Қорасув канали атрофи сайр қилиш учун мослаштирилиб, ободонлаштирилади. Кичик оролча ҳам ҳосил қилинади.

“Golden house” компанияси директори Даврон Файзиметовнинг айтишича, “Ассалом, соҳил!” уйларининг афзаллиги шундаки, улар муаллифлик технологиясига асосланган қурилиш конструкциясига эга. 9 баллдан юқори амплитудадаги сейсмик чидамлилиги текширилган. Фасаднинг 3 қопламадан ташкил топгани эса аънавий бетон уйлардан мутлақо фарқ қилади. Видеокузатув ва ёнғин хавфсизлик тизими, ҳар бир хонадон модуль типидоги алоҳида иситиш қозони билан жиҳозланган ҳолда топширилади. Шунингдек, микозлар буюртмасига кўра шаклан ўзгариши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликдан кейин қарийб 25 йил мобайнида мамлакатда, хусусан, Тошкентда қўп қаватли уйлар қурилмаган, одамлар учун уй-жой ниҳоятда долзарб муаммага айланган эди. Кейинги йилларда қуриладиган уйлар ҳамюртларимизнинг кўп йиллик орзуларини рўйбга чиқармоқда. Минглаб оилалар, айниқса, уй-жойга муҳтож, кам таъминланган фуқароларимиз ўз уйига эга бўлди.

Давлатимиз раҳбари бундай уйлар қурилиши замонавий технологиялар асосида, ривожланган давлатлардаги каби андозаларда давом эттириш кераклигини таъкидлади.

— Қурилишда ҳам рақобат бўляпти. Бу сифатни таъминлаб, нарх арзонлашишига омил бўлмоқда. Уйлар, иншоотлар қуришда энг замонавий технологиялардан фойдаланиш, энг ўқимшли, уста қурувчиларни ишга олиш керак, — деди Президентимиз.

Шавкат Мирзиёев хориж тажрибаси асосида қурилган енгил конструкцияли кotteжларни ҳам кўздан кечирди. Бу уйлар арзонлиги, ўн кунда битказилиши билан ажралиб туради, буюртма

асосида бир неча хил шаклда қуриб берилади. Бундай кotteжлар, айниқса, тоғли ва чўл ҳудудлари учун жуда мос келади.

— Охириги йилларда Тошкент ўзгарди. Пешона теримиз билан ўзгартирдик. Минг қатла шўкр, қўлимиз узун, ҳамма нарсамиз етарли. Бағримиз кенг бўлиб, Худодан сўраб ҳаракат қилсак, дуо оспас кам бўлмаймиз, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев меҳнат фахрийлари билан мулоқот чоғида.

Мустақиллик байрами арафасида янги иншоотлар, йирик ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилиши эзгу аънамага айланган. Яшнобод туманидаги кўп тармоқли “Технопарк” ишлаб чиқариш мажмуасида “Samsung” бренди остида маиший совутичлар ишлаб чиқариш корхонасининг очилиши ҳам қутлуг байрамимизга муносиб тўёна бўлди.

Собиқ авиасозлик заводи ўрнидаги 101 гектарлик майдонда жойлашган мазкур ишлаб чиқариш мажмуасига 2019 йил 10 августда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан асос солинган эди. Бу ерда 17 та йирик лойиҳа амалга оширилиши мақсад қилинган. Уларнинг биринчиси 2020 йил февраль ойида ишга туширилиб, электрон газ ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.

Давлатимиз раҳбарига бошқа лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Бу йил мажмуада лифт ва эскалаторлар, сув насослари, кир ювиш машиналари, витрина совутичлари ва музлаткичлар ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилди. Кейинги йилдан эса мис қувурлари, санот сув иситиш қозонлари, ошхона техникалари, сендвич панел ва металл конструкциялар, эшик-роллар учун фурнитур ва аксессуарлар, панелли иситиш радиаторлари, базальт тошдан изоляция материаллар ишлаб чиқариш лойиҳалари иш бошлади. Шунингдек, логистика маркази қурилади. Бу ердан маҳсулотларни тўғридан-тўғри хорижга экспорт қилиш мумкин бўлади. “Технопарк” ҳудудидаги барча лойиҳалар ишга туширилиши билан 10 мингдан зиёд аҳоли доимий иш билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни белгиланган муддатларда, сифатли ишга тушириш бўйича топшириқлар берди. Жамоатчилик фаоллари билан мулоқотда санотни маҳаллийлаштириш масалалари ҳақида гапирди. Хусусан, 2016 йил якунида 100 минг тонна атрофида мис ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил охирида 150 минг тоннага етказилиши таъкидланди. Келгусида 400 минг тонна режа қилинган. Маълумки, мис санот маҳсулотлари тайёрлашда кенг қўлланилади. Уни қазиб чиқариш ҳажми кўпайиши импорт ўрнини босиб, мамлакатимиз маҳсулотларининг дунё бозорида рақобатбардошлигини оширади.

2020 йил 29 август. Ўзбекистон мустақиллигининг 29 йиллиги. Бу сана Ўзбекистон санот ва тарихида муҳим тарихий кун сифатида муҳрланиб қолади.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, “Технопарк” мажмуасида “Samsung” бренди остида маиший совутичлар ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини ишга туширди. Жамоатчилик вакиллари билан ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди.

Йирик инвестициявий маиший совутичлар ишлаб чиқариш лойиҳаси Жанубий Кореянинг “Samsung Electronics” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган бўлиб, умумий қиймати 51,5 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этади. Ускуналарни монтаж қилиш ва лойиҳани ишга туширишга ҳам корейлик мутахассислар жалб қилинган.

Бир вақтнинг ўзида 4 турдаги совутичларни ишлаб чиқариш имконияти мавжудлиги лойиҳанинг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Ишлаб чиқариш жараёни 70 фоизга автоматлаштирилган, 1500 ишчи фақат техникаларни бошқариш ва бутловчи қисмларни йиғишда қатнашади. Бу эса ҳар 19 сонияда 1 та тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Маҳсулотлар сифат назорати лабораториясидан 7 дақиқада ўтади. Бунда “Samsung Electronics” компаниясининг инновацион технологияси ёрдамида таъйинлади. Синов натижалари марказлашган маълумотлар базасида сақланади.

Корхона йилгига 1 миллион дона совутич ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу нафақат юртимиз, балки МДҲ давлатлари аҳолисини ҳам замонавий, сифатли маҳсулот билан таъминлаш имконини беради.

Йиллик экспорт ҳажми 50 миллион доллардан зиёдни ташкил этади. Маиший совутичлар замонавий дизайнга, “No frost”, масофавий “smart” бошқарув тизимига эгалиги, энергия тежамкорлиги, юқори кучланишга қарши ҳимоя тизимининг мавжудлиги билан ажралиб туради.

— Собиқ авиасозлик заводи тўхтаб, қаровсиз қолиб кетган эди. Кейинги йилларда ундан фойдаланиш бўйича кўрган чораларимиз аста-секин ўз натижасини берапти. Булардан мақсадимиз — одамларни ишли қилиб, ойлик бериш, рақобатбардош маҳсулот чиқариб, экспорт қилиш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Совутичлардан фойдаланиш йўриқнома-китобчасида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган ёзув турли тилларда муҳрланган. Бу эса юртдошларимизда фахр ҳиссини уйғотади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Улуғбек АСРОПОВ,
ЎЗА мухбирлари

Интервью



Замонавий йўллар иқтисодиёт ва ҳаётни тезлаштиради, янги турар жой мажмуаларида аҳоли яшаши учун барча қулайликлар мужассам

Президентимиз 29 август куни давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишди. Биринчи манзил Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналиши бўлса, ундан кейин Аҳмад Дониш, Фаргона йўли кўчала-

рида амалга оширилган ва ошириладиган қурилиш, ободонлаштириш ишлари ҳамда фойдаланишга топширилган ер усти халқа метро линиясининг биринчи босқичи кўздан кечирилди.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманида қуриладиган янги турар жой массивида

бўлган чоғида уйлар қурилишини замонавий технологиялар асосида давом эттириши кераклигини таъкидлади. Рамзий тугмани босиши билан эса, “Технопарк” мажмуасида “Samsung” бренди остида маиший совутичлар ишлаб чиқариш корхонаси ўз фаолиятини бошлади.



Рустам КАЛОНОВ,
Тошкент шаҳар
Нуронийлар кенгаши раиси:

— Янги қурилган метро — бу муҳташам сарой. Метрони кўрганмиз, лекин охириги йилларда қурилган ҳар бир бекатдан Ўзбекистоннинг ҳиди, Ўзбекистоннинг нури, Ўзбекистоннинг нашидаси келиб турибди.

Бу бандпарвоз сўзлар эмас. Метрога кирган ҳар бир киши бунга ўзи гувоҳ бўлади. Шифтлари банд, бўёқлари эса ёрқин, гўё нур таратаётгандек. Ранглар одами босадиган, қонқонлик берадиган, инсон руҳиятини ззадиган эмас. Аксинча, инсонни парвоз қилишга, келажакка интилишга чорлайдиган бўёқлар.

Метродан бир олам таассуротлар билан чиқар эканман, тубдан ўзгарган Аҳмад Дониш кўчаси мени янада ҳайратга солди. Бугун бу ерни таниб бўлмайдим. Ҳатто, Тошкентда яшаб, ишлаб юрган одамлар ҳам қаерга келиб қолганини билмай қолди.

Ҳақиқатан, бугун янги Ўзбекистон янги келажакка қараб йўл оляпти. Илмда, фанда, таълимда, маърифатда, санотда, кунлик ҳаётимизда бўлаётган воқеалар, ўзгаришлар ниҳоятда катта. Президентимиз таъкидлаганидек, бизда чиндан ҳам иккинчи Ренессанс даври бошланди.



Козим ТУЛАГАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
қурилиш вазирининг
ўринбосари:

— Аввалги пайтлар Тошкент шаҳрида 5 та уйсозлик комбинати бор эди. Ҳозир Бектемирда қурилган янги “Бинокор” заводида чиқаётган маҳсулотларнинг сифати аввалгисидан ер билан осмонча фарқ қилади. Буларнинг барчаси Германия технологияси асосида йўлга қўйилиб, компьютер орқали бошқарилади. Ҳатто плиталарни керакли ҳажмда шакллантириш ҳам бугунги замонавий технологиялар орқали амалга ошириляпти.

Завод маҳсулотлари асосида қурилган уйларни кириб кўрдик. Хонадонларнинг жойлашишидан тортиб, уларда яратилган қулайликлар ҳар бир оиланинг талабига жавоб беради. Уйларнинг фасади, ичкариси ва умумий саҳни ҳам одамлар учун қулай қилиб яратилган. Энг муҳими,

ташқи панелда базальт маҳсулоти ишлатилляпти. Бу эса ташқаридаги иссиқликни 15-17 фоиз иқтисод қилиш имконини беради.

Ҳозир Тошкентда биринчи комбинатнинг 140 минг квадрат метрик биринчи навбати қуриляпти. Иккинчи навбатда 180 минг квадрат метрик уй-жой қурилиши режалаштирилган. Бу тошкентликларнинг шароитини жуда катта ҳажмда енгиллаштиради дегани.

Бугун Президентимиз ҳудудларда мана шундай ишларни фаол давом эттириш, ҳеч бўлмаганда, 2-3 та вилоятда биттадан уйсозлик комбинатини ташкил этиб, кўп қаватли, сифатли уйларни қуриш топширигини бердилар. Ишонимизки, бу ишлар дастур бўйича тез кунларда амалга оширилади.



Ҳусниддин ҲОСИЛОВ,
“Ўзбекистон темир
йўллари” акциядорлик
жамияти раиси:

— Президентимиз ташаббуси билан Юнусобод йўлининг “Юнусобод” ва “Турист” бекатларига ҳам бўлган узунлиги 2,9 километрдаги бунёдкорлик ишлари қурувчиларимиз томонидан амалга оширилди. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 103,8 миллион АҚШ долларидан иборат бўлиб, ер ости туннель қисмини бурғулаш ишлари Марказий Осиёда илк бор қўлланилган Германия технологияси асосида олиб борилди. Яъни йўлнинг 850 метр қисми ер ости сув кўп жойга тўғри келганлиги боис, темир-бетон тўбинг қўйиш орқали ўтишга тўғри келди.

“Турист” бекати ўзига мос кўркам дизайн бўйича Тошкент метрополитенининг ҳеч бир бекатини тақрорламай-

ди. Бекат деворининг бир томонида Ўзбекистонга қўшни ва қардош мамлакатларнинг тарихий қадамжолари, бошқа томонида юртимизнинг қадимий обидалари ва энг гўзал манзараларининг мозаика кўринишидаги суратлари ишланган.

Бугунги кунда Юнусобод туманида 340 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Метро йўли узайтирилиб, янги бекатлар қурилгани одамларга катта қулайлик яратди. Ушбу линиянинг янги бекатлари бир кунда 7,5 минг йўловчига ҳисоб курсатади. Эндиликда бизнинг асосий вазифамиз хизмат маданиятини замонавий асосда ташкил этишга, ер ости саройларининг бетакрор жозибасига ҳамоҳанг ишлашга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирадиган балиқчилик хўжаликлари учун сув олиш лимитлари манбаларнинг тахмин қилинган ва ҳақиқий сувлиги, шунингдек, балиқчилик хўжалиқларининг сув истеъмоли режаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши;

сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирадиган балиқчилик хўжаликлари, сув етказиб берувчи тегишли ташкилотлар ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда ҳар йили 15 январдан кечикмаган муддатда белгиланган тартибда уч томонлама шартнома тузилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари У.И. Барноев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда икки ой мuddатда коллектор-дренаж тармоқлари атрофида санитария-муҳофаза зоналарида ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида келишувга эришилсин.

4. Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ўз ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сув истеъмоли режаларини ишлаб чиқишда сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирадиган балиқчилик хўжалиқларининг сувга бўлган талабини манбалар кесимида (дарё, канал, коллектор-дренаж тармоқлари, сой, булок ва бошқалар) ҳисобга олинишини таъминласин.

5. Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда:

уч ой мuddатда сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш учун талаб этиладиган сув ҳажми метр-ёдрларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021-2022 йилларда сув танқислиги шароитида дарё ва каналлардан сув оладиган балиқчилик хўжаликлари томонидан сунъий сув ҳавзаларида босқичма-босқич янги ресурс тежамкор интенсив технологиялардан ва иккиламчи сув манбаларидан кенг фойдаланиш амалиётини жорий этсин.

6. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги икки ой мuddатда Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг Тошкент вилоятида табиий ва сунъий сув ҳавзаларининг гидро-биологик ва гидрохимик таркибини, омукта эм сифатини таҳлил қилиш ҳамда балиқ касалликларига ташхис қилиш лабораториясини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бундан: кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, уларда замонавий лаборатория ускуналаридан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш учун хоржий стажировкаларни ташкил этиш;

лабораторияларни бутлаш учун ускуналар, бутловчи қисмлар, реагент ва реактивларнинг рўйхатга мувофиқ харидларини амалга ошириш; балиқчилик соҳасида ўтказилган илмий-тадқиқот ишларини хатловдан ўтказиш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш;

лабораторияларни ташкил этиш, сақлаш ва ходимларга иш ҳақини тўлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар назарда тутилсин.

7. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси табиий сув захиралари ихтиоф-фаунаси ва сув биоресурсларини ягона маълумотлар банкни (кейинги ўринларда — маълумотлар банки) ташкил этсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг маълумотлар банкидан фойдаланиш бўйича эҳтиёжларига мувофиқ молиялаштирилган илмий лойиҳалар танловининг ўтказилишини таъминласин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, инновацион ахборот-ресурс хоналари, балиқчиликда селекция ва наслчилик, балиқларнинг табиий ва сунъий озۇқа сифатини таҳлил қилишга ихтисослашган лабораторияларни барпо этиш лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

9. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ва "Ипотек банк" АТБнинг қуйдагиларни назарда тутувчи тақлифларига розилик берилсин:

ийриқ балиқчилик кластерларида балиқларни инкубация қилиш, ёпиқ сув айланма тизимида, қафаслар, бетон бассейнлар ва тупроқ ҳавзаларида интенсив усулда балиқ чавоқлари ва товар балиқ етиштириш бўйича балиқчилик хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш мақсадида пуллик асосда ўқув курслари ташкил этиш;

балиқчиликка ўқитиш бўйича таънч аудиториялар, кўргазмали балиқхоналар ташкил этиш,

шартнома асосида ушбу йўналишдаги кластерлар, фермер хўжаликлари ходимлари, шунингдек, интенсив усулда балиқ етиштираётган аҳолини ўқитишни йўлга қўйиш.

Белгилансинки, аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш лойиҳаларини амалга ошириш учун дастурлар доирасида ажратилган кредитлар устувор равишда балиқчиликка ўқитиш бўйича курсларнинг тегишли сертификатига эга бўлган фуқароларга ажратилади.

10. "Ипотека-банк" АТБнинг "Ипотека Сармоёси" МЧЖ устав фондидаги улуши "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасига ўтказилганлиги ҳамда ушбу жамият томонидан қуйдаги вазифалар амалга оширилишини маълумот учун қабул қилинсин:

балиқчилик соҳасида лойиҳавий молиялаштиришни амалга ошириш, шунингдек, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, мавжуд лойиҳалар (хўжалиқлар)нинг самарадорлигини ошириш, уларни молиялаштириш, лизинг хизматларини кўрсатиш, зарур ҳолларда, лойиҳа-смета ҳужжатларини, техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда хоржий экспертларни жалб қилиш;

интенсив ва ярим интенсив усулда балиқ етиштириш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, тайёр ва ярим тайёр балиқ маҳсулотларини ва жон андозалари асосида оқсилга бой озۇқа ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳаларни ишга тушириш; балиқ чавоқларини етиштириш ва кўпайтириш бўйича замонавий наслчилик корхоналарини ташкил этиш.

11. Тошкент вилояти ҳокимлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Тошкент вилояти Чиноз туманидаги "Чиноз деҳқон бозори" МЧЖнинг "Янги Чиноз балиқ бозори" филиали бино-иншоотларини тегишли ҳудуди билан бирга (кейинги ўринларда — объект), кейинчалик унинг негизда балиқ ва балиқ маҳсулотлари савдосини ташкиллаштиришга мўлжалланган замонавий савдо комплексини ташкил этиш учун "Чиноз деҳқон бозори" МЧЖнинг устав капиталдаги давлат улушини (унга мос келадиган соф активлари қийматини объектнинг баланси (қордик) қиймати миқдоридан) қайтариш ҳисобига Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги: йигирма кун мuddатда Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда объектнинг топшириш-қабул қилинишига;

бир ой мuddатда объект негизда санитария-эпидемиология талабларига жавоб берадиган балиқ ва балиқ маҳсулотлари савдосини ташкил этиш, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни сақлаш учун музлаткич ускуналарини қўриш бўйича минимал инвестиция мажбуриятларини, шу жумладан, яратиладиган иш ўринлари сонни юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш учун ҳудудий танлов комиссиясига киритилишини;

икки ой мuddатда объектнинг инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлари билан оммавий савдоларга бозор қиймати бўйича сотишга жойлаштирилишини таъминласин. Бунда, объект оммавий савдоларда қўйилган кундан бошлаб уч ой мобайнида сотилмаган тақдирда тўловларни 5 йилгача мuddатга тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти билан бозор қиймати бўйича сотилиши назарда тутилсин.

12. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси балиқчиликка ихтисослашган туманларда 10 тадан аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш лойиҳаларини амалга ошириш чораларини кўрсин.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда бир ой мuddатда хоржий тажриба ва ресурс тежовчи инновацион технологиялар жорий этилишини назарда тутган ҳолда аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш учун қўлланма (балиқ тури, сифати, етиштириш схемаси, ресурс тежовчи технологиялар) ишлаб чиқсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари, ҳудудий "Чорванасл" марказлари ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси:

бир ой мuddатда сектор раҳбарлари билан биргаликда ҳудудлардаги аҳоли ўртасида интенсив усулда балиқ етиштиришнинг афзалликлари ҳамда самарадорликлари ҳусусида тарғибот ва ташвиқот ишларини ҳамда ўқув семинарларини ташкил қилиш юзасидан "Иш режа" ишлаб чиқсин; аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш истагини билдирган талабдорлар рўйхатини шакллантириб, уларга тижорат банклари орқали кредит маблағлари олишда амалий ёрдам кўрсатсин;

балиқ етиштиришни таъминлаш борасида зарур тадбирларни ўз мuddатида амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни белгиласин.

Сув хўжалиги вазирлиги ва Энергетика вазирлиги аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш ташаббусларига сув ва электр энергиясининг узлуқсиз етиб боришини таъминласин.

14. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш натижалари юзасидан асосланган тақлифларни 2021 йил 1 сентябрга қадар Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2020 йил 29 август

Ш. МИРЗИЁЕВ

Язгули МАММЕДОВ:

ТУРКМЕНИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ АСРЛАР ДАВОМИДА ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИКДА ЯШАБ, ДОИМО ЎЗARO ЯҚИН БИРОДАРЛИК ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ТАЪМИНЛАШНИ ҚАДРЛАБ КЕЛГАН



Бошланиши 1-бетда

Халқларимиз асрлар давомида тинчлик ва тотувликда яшаб, ҳар доим ўзаро яқин биродарлик, оилавий алоқаларни қадрлаган. Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончли ва дўстона мулоқот тўғрисида алоқаларимиз янги босқичга кўтарилди.

Бизда умумий жиҳатлар кўп, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун катта салоҳият бор. Келажакка некинлик билан қараш, қисқа мuddатли ва узоқ мuddатли истиқболда биргаликда иш режаларини ишонч билан қўриш учун барча асослар мавжуд. Сув-энергетика соҳаси, транспорт, агросаноат мажмуаси, маданий-гуманитар ҳамкорлик, туризм, спорт, таълим каби соҳаларда ҳамкорлик биз учун истиқболли йўналиш ҳисобланади.

— Мамлакатларимиз икки ва кўп томонлама шаклда фаол ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда. Марказий Осиё минтақаси салоҳиятини ошириш, иқтисодийнинг ўсиши ва транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришда давлатларимиз ўрнини қандай баҳолайсиз?

— Муносабатларимиз, авваламбор, икки томонлама шерикликнинг устувор

йўналишлари ва истиқболлари тўғрисидаги қарашларда, шунингдек, минтақавий ва халқаро ривожланиш тенденциялари нуктаи назардан тўлиқ ўзаро англашга асосланган. Туркменистон ва Ўзбекистон БМТ, ЕХҲТ, МДҲ каби нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ўзаро яқин ҳамкорлик қилмоқда.

Утган йили Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Унда савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-транзит, қишлоқ хўжалиги, sanoat кооперацияси, энергетика, сув ресурслари, туризм, фан ва маданият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантиришни истиқболли йўналишлари, шакллари ва механизмлари кўриб чиқилди.

Учрашув иштирокчилари минтақада sanoatни ривожлантириш соҳасида Марказий Осиё давлатлари сиёсатининг устувор мақсад ва вазифаларига жавоб берадиган замонавий sanoat инфратузилмасини яратиш бўйича қўшма чора-тадбирларни қўришга тайёр эканини билдирди.

Бу ҳамкорлик халқларимиз фаровонлигини оширишга қаратилган. Биз транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ҳақида узок гапллашимиз мумкин. Чунки бу соҳа иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади ва бизда турли лойиҳалар мавжуд.

Улардан бири Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Умон халқаро транспорт-транзит йўлагини яратишдир. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун қўлай шароит яратди ва транзит юк оқимларининг қўлайлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Туркменистон ва Ўзбекистон ўзаро автомобиль, темир йўли орқали боғланган. Бу Марказий Осиё — Европа, Марказий Осиё — Кавказ — Яқин Шарқ, Марказий Осиё — Хитой йўналишларида ҳам қўшма транспорт лойиҳаларини режалаштиришга имкон беради.

Туркменистон ва Ўзбекистон Президентлари томонидан 2017 йилда Амударё орқали ўтувчи автомобиль ва темир йўл кўриқларининг очилиши юк оқимининг Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларида, Жанубий Осиёдан Каспий денгизига

ва ундан кейин Қора денгиз ва Ўрта ер денгизи минтақаларига, Европа, Кавказ, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига тўғридан-тўғри чиқишини таъминлади.

— Ўзбекистоннинг таълим, маданий-гуманитар алмашинуларни кенгайтириш бўйича ташаббусларини қандай баҳолайсиз?

— Барчамиз Ўзбекистонда таълим тизими изчил ривожланиб бораётганига гувоҳимиз. Юртингизда нуфузли хоржий таълим муассасалари филиаллари очилмоқда. Улар ёшларга турли замонавий йўналишларда ўқиш имкониятини беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон деярли дунёнинг барча давлатлари, шу жумладан, Япония, Жанубий Корея, Хитой, МДҲ давлатлари, Европа Иттифоқи, АҚШ ва бошқалар билан талабалар алмашинувини йўлга қўйган. Талабалар замонавий билимларни эгаллаш билан бирга, хоржий тилларни ҳам мукамал ўрганмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон олий ўқув юрталари ва коллежларида Туркменистоннинг 3 минг 650 нафардан ортиқ фуқароси таҳсил олмақда. Шулардан 900 нафарга яқини 2020 йилда ўқиниш муваффақиятли тамомлади. Йил бошидан буён Бухоро, Нукус, Урганч шаҳарларидаги таълим муассасаларида бир неча бор бўлиб, ёшларимиз учун яратилган шароит билан танишдим.

Фурсатдан фойдаланиб, туркменистонлик талабаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилаётгани учун Ўзбекистон раҳбарияти, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси маъмуриятларига, шунингдек, мамлакатнинг Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Ташқи ишлар вазирликларига миннатдорлик билдираман.

Хабарингиз бор, 2018 йилда Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи доирасида икки томонлама ҳужжатларнинг мустаҳкам тўпلامини имзолашдан ташқари икки мамлакат олий ўқув юрталари ўртасида, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида 15 та ҳужжат имзоланди. Ушбу ҳужжатларнинг барчаси ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган бўлиб, шериклик алоқаларининг катта тажрибасини

ҳисобга олган ҳолда, бундан буён ҳам таълим соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилиб борамиз, деб ишонч билан айтишим мумкин.

Маданий-гуманитар соҳалар ҳам икки томонлама муносабатларнинг устувор йўналишларидан биридир. Туркменистон ва Ўзбекистон бой маданий, илмий мероснинг меросхўрлари ҳисобланади. Қардош мамлакатлар санъати ва адабиётига ўзаро қизиқиш катта. Туркменистон ва Ўзбекистон туризмин ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга. Бунда бой тарихий, маданий мерос, қизиқиш катта бўлган ноёб табиий жойлар мавжудлиги асосий омил ҳисобланади.

Туркменистон Ўзбекистон билан маданий алоқаларни ривожлантиришга катта аҳамият беради. Сунгги йилларда санъат усталарининг қўшма концерт дастурларини ташкил этиш, мамлакатларимизда ўтказилаётган халқаро ижодий фестивалларда вакилларимизнинг ўзаро қатнашиши яқини аниъанга айланди.

— 2018 йил апрель ойда Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида томонлар 2020 йилгача товар айирбашлаш ҳамжмини 500 миллион долларга етказиш учун зарур чораларни қўришга келишиб олган эди. Ушбу режалар қандай амалга оширилмоқда, коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга қарамай, белгиланган кўрсаткичларга эришиш мумкинми?

— Ҳақиқатан Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг 2018 йил апрель ойда Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз раҳбарлари иқтисодийнинг турли соҳаларида ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар мавжудлигини ва 2020 йилгача ўзаро савдо ҳамжмини ярим миллиард долларга етказиш зарурлигини таъкидлаган эди. 2019 йил якунида Туркменистон билан Ўзбекистон ўртасида маҳсулот айирбашлаш ҳамжми 2018 йилга нисбатан деярли 90 фоиз ўсди ва жами 457,8 миллион долларни ташкил этди.

Табиийки, бу йил коронавирус пандемияси глобал иқтисодиётга салбий таъсир қилди. Дунёга инсоният нақадар заиф

эканини ва халқларнинг фаровонлиги боришига боғлиқлигини кўрсатди. Шунга қарамай, 2020 йилда мамлакатларимиз савдо-иқтисодий, транспорт-логистика соҳаларида шерикликнинг мавжуд салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш учун барча имкониятларни ишга солмақда. Ишонч билан айтишим мумкинки, йил бошидан буён минтақадagi, шу жумладан, транспорт-коммуникация соҳасидаги эпидемиологик вазият, транспорт ва транзит қатнови учун шароитни яхшилашни ҳисобга олган ҳолда трансчегаравий ҳамкорлик юқори даражада бўлди.

Бундан ташқари, икки мамлакат ўртасида чегара савдо зонасини яратиш, етказиб берилаётган маҳсулот, хизматлар турлари ва ҳамжмини кенгайтириш, Тошкент шаҳрида Туркменистоннинг ва Ашхобод шаҳрида Ўзбекистон савдо уйлари оғиш бўйича музокаралар ўтказилмоқда. Бу табиий равишда мамлакатлар ўртасидаги маҳсулот айирбашлаш ҳамжми ўсишига ижобий таъсир қилди.

— Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайлангандан сўнг ички ва ташқи сиёсатда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Сизнингча, қайси йўналишдаги ислохотлар давлатларимиз ўртасида яқин кўшничлик, ҳар томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда?

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг инаугурацияси ва Ўзбекистон Республикасида "очик эшиклар" сиёсати эълон қилинганидан бери мамлакатда аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар бошланди, мисли қўрилмаган ўзгаришлар юз берди ва бу давом этмоқда.

Мамлакат ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақаси, биринчи навбатда, қўшни давлатлар устувор йўналиш сифатида белгиланган. Шунингдек, иқтисодий истардимки, Туркменистон ва Ўзбекистон асрлар давомида дўстона қўшничлик муносабатларини сақлаб келмоқда. Бугунги кунда замонавий ҳақиқатларни ҳисобга олган ҳолда Туркменистон — Ўзбекистон

муносабатлари энг мақбул даврни бошдан кечирмоқда. Биз кўплаб соҳаларда кенг қўламли ҳамкорликнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликда янада юқори чўққиларга эришиш Туркменистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари, вазирликлари ва идоралари ўртасида эришилган келишувларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишига боғлиқдир. Мамлакатларимизнинг энергетика, транспорт, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги каби соҳаларда ҳамда бошқа қатор муҳим соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенг доираси мамлакатларимиз муносабатларининг мустаҳкамлигини яққол кўрсатиб турибди.

— Ўзбекистондаги фаолиятингиз давомида мамлакатимизда Сизда алоҳида таассурот уйғотган қайси жиҳатларни қайд этишни истардингиз?

— Мамлакатингизда икки йилдан буён ишляпман. Элчихонасин олдида мамлакат раҳбарияти томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун яқиндан ҳамкорлик қилаётган вазирлик ва идоралар томонидан ҳар томонлама қўмак берилаётган биродар мамлакатда яшаш ва ишлашдан жуда мамнунман.

Қисқа мuddатли фаолиятим давомида вилоятларда бўлдим. Шунинг таъкидлашни истардимки, Ўзбекистоннинг гузал қадимий манзиллари — Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарлар, меҳмондўст одамлар ва мазали таомлари ташриф буюрган инсонларни бефарқ қолдирмайди. Шу билан бирга, мамлакатнинг барча ҳудудларида тарих ва замонавий технологиялар бир-бирига йўғун ҳолда лойиҳалаштирилган. Ишбилармонлик муҳити эса кундан-кун ривожланмоқда.

Мен яшилликка бурканган, аҳоли гавжум пойтахт Тошкент шаҳрини алоҳида таъкидлашни истардим.

— Мустақиллик куни арафасида Ўзбекистон халқига байрам табрикларингиз.

— Бундай имконият учун раҳмат. Мустақиллик, тинчлик, тараққиёт — бу буюк тушунчалар доим узок кураш орқали қўлга киритилган. Мустақиллик байрамини нишонлаш муносабати билан мен биродар Ўзбекистон раҳбариятини ва халқини самимий табриқлайман. Сизларга чин дилдан сўхат-саломатлик, катта муваффақиятлар, бахт, илқилик, фаровонлик ва янада равнақ тилайман!

Юртингизда ҳар доим тинчлик ва ошо-ишталик ҳукм сурсин!

Дил изҳорлари

Эътирофдан шодланган кўнгиллар



Миржамол АСАДОВ, Республика "Хунарманд" уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакорлиги устаси, "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" фахрий унвони соҳиби:

— Самарқанддан кўнгирок қилиб, мукофотланганим ҳақидаги хушхабарни айтишганида, Тошкентдаги янги қурилаётган биноларнинг бирида нақшларни ўйиш билан банд эдим. Хабарни эшитиб жуда қувондим. Бу мукофот нафақат менинг, балки барча оила аъзоларимнинг меҳнатига берилган энг катта рағбат, эътирофлардан бири, деб биламан.

Асли хунармандлар оиласида туғилиб ўсганман. Оилавий анъанани давом эттираётган тўртинчи авлод вақилиман. 46 йилдан бери шу касб билан шуғулланаман. Болаларим, набираларим ҳам менинг ишимни давом эттириб, ёнимда елкама-елка ишлади, соҳанинг сир-асрорларини ўрганади. Уч ўғлимнинг бари

Жасвандбек АННАЗАРОВ, Тошкент шаҳридаги "TIART" масъулияти чекланган жамияти хайкалтарошлик корхонаси директори, Ўзбекистон Бадийи инжодкорлар уюшмаси аъзоси, "Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми" фахрий унвони соҳиби:



— Ижодкорлар оиласида туғилганим, отам рассом бўлгани боис, болалигимдан мусаввирликка қизиққанман. Кўпимга мўйқалам тўқказиб, илк суратни қозоғизга туширишимга туртки берган инсон ҳам биринчи устозим — отам. 6-синфда рассомлик лицейида ўқиб юрган кезларим хайкалтарошликка ҳам қизиқиш пайдо бўлди. 2004 йилда тасвирий санъат йўналишида олимпиадада ғолиб бўлиб, Камолддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим. Талабалик йилларимда кўпгина

Рағбат масъулиятимизни оширади



Абдулла ҲОЗИЕВ, Наманган вилоятидаги "Шифокор ва ҳаёт" газетаси муҳаррири, "Соғлом турмуш" медали соҳиби

Ҳаёт гўзал. Шу гўзалликни ҳис этиш учун эса инсонга, аввало, соғлиқ керак. Соғлом одамгина дунё файзу тароватидан тўла бахраманд бўла олади.

Жонажон ватанимизда аҳоли саломатлигини таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, соғлом миллат, соғлом халқгина буюк ишларга қодир бўлади.

"Хунарманд" уюшмасига аъзо. Ўртанча ўғлим Мансур Асадов 2018 йилда "Ташаббус" курик-танловининг хунармандлик йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаб, "Спарк" автомобили билан тақдирланди. Утган йили Қўқонда ўтказилган халқаро фестивалда ҳам "Устоз-шоғирд мактаби" номинацияси ғолиби бўлди. Фарзандларимнинг ютуқлари мени янада бахтиёр қилади.

Ёғоч ўймакорлиги қадимий санъат тури бўлса-да, замон билан бирга ривожланиб, нақшларнинг тури, кўриниши кун сайин янгиланиб бораётти. Биз, усталар ёғочларга сайқал бериш жараёнида янги, замонавий кўринишдаги нақшлар яратишга интиламиз. Масалан, авваллари уч қаватли нақшлардан фойдаланилган бўлса, бугунги кунда тўрт-беш қаватли нақшлар оммалашиб бормоқда. Уларнинг ҳар бири кўриниши, ўзига хослиги, мураккаблиги билан ажралиб туради.

Инсон муваффақиятга эришиши учун ўз касбини севиши, унда янгилик яратиб олиши, ҳалол ва астойдил меҳнат қилиши лозим. Айниқса, хунарманд киши гўзалликни кўра олсагина, у барпо этган нақшнинг бинолар бошқаларга ҳам завқ бера олади. Мен фаолиятим давомида юртимиздаги аксарият худудларда, водийдан ташқари барча вилоятлардаги турли мадраса, макбаралар пештоқларига нақшлар тушириш, бинолар эшикларига безаклар бериш бахтига муяссар бўлдим. Бугун мен ва фарзандларим ясаётган ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари дунёнинг турли давлатларига етиб бораётганидан, уларга хорижда талаб юқори эканидан икки қарра қувонаман. Ҳатто кўплаб давлатлардан бериб ишланган бўйича тақлифлар тушган. Лекин мен рози бўлмаганман. Маҳсулотларимизни шу ерда тайёрлаб жунатамиш. Ўзим эса ота юртим — Самарқандда яшаб, ижод қилишни афзал кўраман.

кўрғазма, кўрик-танловларда иштирок этдим. Хоразмлик рассом Соли Қодиров, Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Миртожиёва шоғирд тушиб, рассомлик ва хайкалтарошлик сир-асрорларини ўргандим.

Бугунга қадар хайкалтарош сифатида кўплаб буюк сийморлар — 2016 йилда Биринчи Президентимиз Ислоом Каримов бюсти, 2017 йилда Эркин Воҳидов, Шароф Рашидов, 2020 йилда Муҳимий ва бошқа кўплаб машҳур инсонларнинг хайкалларини яшаш бахтига муяссар бўлдим. 2019 йилда ясалган Ибн Сино хайкали Францияда ўрнатилди. Жорий йили Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан очилган Ғалаба боғида муаллифлигимда "Мангу жасорат" монументал ансамбли яратилди. Ушбу хизматларим 2015 йилда "Эътироф" мукофоти, "Шухрат" медалига лойиқ қилди.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги байрами арафасида Ўзбекистон халқ рассоми деган юксак унвонга муносиб топишганини эшитиб, оила аъзоларимиз билан хурсанд бўлдик. Айниқса, ота-онан бундан ниҳоятда қувонди. Бу мен учун жуда катта унвон, катта мукофот. Ушбу эътироф менга ғурур бағишлаш билан бирга, улкан масъулият ҳам юклайди. Бу унвон Президентимизнинг, давлатимизнинг нафақат менга, балки юртимиздаги барча хайкалтарошлар, рассомлар, ёшларга бўлган ишончи, деб биламан ва унга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан.



Сафар ШАЙДИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиши

Охириги йилларда бахшичиликни ривожлантиришга катта эътибор берилиб, беқиёс ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Шу миллат, шу юртга бирдай ошиқмиз!



Қутлибека РАХИМБОВА, "Саодат" журнали бўлим мудири, шоира, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби

Мен Тошкентга 1979 йили бир-иккита кўрпачаюқ чўнтагимда озгина пул, аммо юрагим тўла умид ва улкан орзулар билан кириб келганман. Орадан шунча йиллар ўтиб, ортга назар ташласам, Аллоҳим мени ҳавас қилса арзигулик неъматлар билан сийлаганига шукр қиламан.

Аввало, ҳамisha мени кўллаб-қувватлайдиган ижодкор инсонга умр йўлдош бўлиш насиб этди. Фарзандларим ва набираларим эътибори ва меҳридан ҳамisha масрурман. Пойтахтдаги нуфузли — "Саодат" журналида ишлайман. Бу даргоҳда халқимизнинг сеvimли шоиралари Зулфияномини, Ҳалимаҳонимни, Ойдинхонларининг сабоқларини олдим. Уларнинг кўллаб-қувватлашлари, меҳри ва эътиборидан баҳраманд бўлдим. Китобларимнинг ҳар бири нашр этилганида кўпчилик билан бирга, ҳали эл-юрт олдидаги бурчларим, вазифаларим жуда кўп эканини янада чуқурроқ ҳис қилдим. Ҳа, ижодкор қалб одами. Аллоҳ истеъдод деб аталган илоҳий

Қадр топган қадриятимиз

Сурхон диёри азалдан ўзининг хушовоз бахшилари билан машҳур. Сурхон-Шеробод бахшичилик мактабининг Хушбоқ бахши Мардоннақулов, Чоршанба бахши Раҳматуллаев, Абдуназар бахши Поёнов, Бобомурод бахши Мамараймов, Шодмон бахши Холлиев, Шоберди бахши Болтаев каби вакиллари куйлаган ўнлаб дoston ва термалар оғиздан-оғизга кўчиб, халқимизнинг маънавий мулкига айланди, одамларга олам-олам завқ-шавқ бахш этиб келаяпти.

2019 йилнинг апрель ойида Термиз шаҳрида I халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилгани ва бу фестивални аънаваний тарзда ҳар икки йилда ташкил этишга қарор қилингани, вилоят марказида болалар санъат ва бахшичилик мактаби фаолият кўрсатаётгани ана шу эътиборифодасидир. Бундан ташқари, бугун Сурхондарёнинг олис қишлоқ ва шаҳарларидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларининг тўққизтасида бахшичилик санъати тўғраги ишлаб турибди.

Биз тенги бахшиларнинг кўпи бу санъат сирини эл орасида танитилган ҳамкасбларимиздан ўрганганимиз,

уларнинг изидан эргашиб, машаққатлар эвазига дoston ва терма куйлашни ўзлаштирганмиз. Айрим бахшиларнинг кайфиятига қараб, улар билан ота-онамиз орқали ёки бирор танишини топиб, мулоқот ўрнатганимиз. Ҳозир эса болалар мусиқа ва санъат мактабларида куйлаб қилинган яратилгани учун бахшиларнинг ўзи ёшларга ушбу санъат сирларини даволатиб беришмоқда.

Бугун мен меҳнат қилаётган 17-болалар мусиқа ва санъат мактабидида ташкил қилинган тўғараққа бахшичилик санъатига ҳавасманд ўнлаб ёшлар қатнамоқда. Болаларни бу санъатга

қизиқтириш учун мактабимиз раҳбарлари барча шароитларни муҳайё этган. Абдулҳоқиз Нормуродов, Жасурбек Чориев, Мурод Хужаназаров, Жавоҳир Абдулҳамидов сингари ёшлар мусиқа ва санъат сирлари билан бир қаторда дoston ва термаларни, дўмбира нағмаларини ҳам пухта ўрганмоқда. Гарчанд шогирдларим бахшичилик тўғрагига қатнаётганига кўп вақт бўлмаган эса-да, аллақачон "Алпомиш", "Кунтўғиш", "Авазхон", "Интизор", "Ёдгор", "Хўрсун" ва бошқа дostonларни, ўнлаб термаларни қийналмай ижро этмоқда. Бу дoston ва термаларнинг турли вариантлари билан ҳам танишмоқда.

Куни кеча Президентимиз фармони билан менга "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиши" юксак фахрий унвони берилганидан, қамтарона меҳматим юксак баҳоланганидан қувончим чексиз. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман. Бундан кейин ҳам бор куч-ғайратимни халқимизнинг энг пулғ қадриятларидан бири — бахшичилик санъатини ҳар томонлама тараққий эттиришга қаратаман.

Устозлик бахти



Сайди УМИРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби

Биринчи бўлиб сеvimли газетамиз ходимлари кечкурун кўнгирак қилиб, мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат ва оммавий ахборот воситалари ҳамда тиббиёт ходимларидан бир гуруҳи хукуматимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани, улар қаторида менинг ҳам исм-фамилиям борлигини айтиди.

Кутилмаган хушхабардан кўнгилим тоғдек кўтарилди. Инсон бирор мукофот олиш учун яшамаслиги, ишламаслиги керак. Лекин юртинг, халқинг, Президентинг қамтарона меҳнатининг эътирофи эътибор, юзлаб ҳамкасбларинг, шогирдларинг ёзган битикларининг ўқиб, эҳтиром кўрсатиб туришидан ортиқ бахт борми?!

Ушбу дипломнами саксон уч ёшга қадам қўяётган бир олим, мураббий, қаламкашнинг мактабига эмас, фахрланганига йўсангиз. Қалам тебратаетганимга 63 йил, журналист кадрларга улзуксиз сабоқ бераётганимга 53 йил бўлди. Утти йилча ЎЗМУ журналистика, 21 йилдан бери ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультетлари ижод ахлига ҳамкасбларим қатори дарс бериб келаятирми. Янги — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори ва проректорлари, кўплаб ўқитувчиларининг "устоз" деб ҳурмат кўрсатишидан кўнгилим кўтарилди. Ярим аср иккигина муҳлат эмса-да! Марҳум адиблар — Ҳалима Худойбердиева, Тохир Машиқ, Тоғай Мурод, Анвар Обиджоннинг ҳам домласи бўлган эканман.

Икки ижодий уюшма раҳбарлари, марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари мутаассадилари, халқ ёзувчи ва шоирлари, бир қанча сенатор, депутат ҳамда масъул ходимлар ҳам ўз вақтида журналистика факультетларида

ўқиган. Ҳар йили байрам олдидан мукофотланганлар руйхатида кўпчилик ҳамкасблар, ўн-ўн беш чоғли шогирдлар номини кўриб хурсанд бўламан. Бу йил ҳам Усмон Азим, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Хусан Эрматов, Хондамир Қодирий номини тақдирланганлар сафидида кўриб, бениҳоя хурсанд бўлдим. (Номини эсдан чиқарган бошқа ҳамкасбларим ва шогирдларимдан узр сўрайман.)

Адабиётшунос, мураббий, ёзувчи сифатида кейинги йилларда илм, ижод ахлига қўрсатилаётган катта эътибордан кўнгилимиз тўқ. (Адиблар хиббони, Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси, таниқли ёзувчи-шоирларга ўрнатилган муҳташам хайкаллар, Исҳоқхон Ибраг, Абдулқодир Қодирий, Чингиз Айтматов, Абайнинг юқори савияда ўтказилган юбилейлари шулар жумласидандир.)

Бир фактни эслаш мавриди келди. 2002 йили 27 февралда Бехбўдийнинг сафидоши, ўн тўрт тили билган, кўплаб мақола ва салмоқли таржумалар муаллифи, Покистонда ўндан ортик китоби чоп этилган, қатоган қўрбони бўлган самарқандлик маърифатпарвар Саидризо Ализода таваллудининг 115 йиллиги Самарқанд давлат университети мажлислар зағида кенг нишонланганди. Анжуманда қаминга ҳам қатнашиб, маъруза қилгандим. Уч йил муқаддам Саидризо Ализода таваллудининг 130 йиллиги Президентимиз ташаббуси билан муносиб нишонланди. Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида кўплаб мақолалар чоп этилди, кўрсатув ва эшиттиришлар эғрига узатилди. Ҳужжатли фильм ишланди. Тошкентда илмий анжуман ўтказилди. "Саидризо Ализода абадияти" номли тўплам нашр этилди. Ҳозир юмусий олим номидаги кўча, мактаб, маҳалла, уй-музейи мавжуд. Қадрдонимиз Фарход Ализода, шогирдимиз Хондамир Қодирийни болоболари оқибатли, садоқатли, намуна бўларли набиралар тими соли деб биламан.

Байрамларни нишонлашнинг энг яхши йўли — муаммоларга эътибор қаратиш, ечимини излаш, деган гап бор. Кўп йиллик ижодий ва педагогик тажрибага эга инсон сифатида бугунги журналистикамиз тараққиёт босқичида дег олмайман. Анча-мунча нашрлар муайян муддат чоп этилмай қолди. Адади кескин қамаяйиб кетди. Босма нашрлар фаолиятдан яхши хабардор бўлмаган айрим кишиларнинг "Газетанинг умри тугади, ҳамма вазифа электрон воситаларга ўтади" қабилидаги гаплари ҳам яхши бўлмади. Адабиёт ўлмаганидек, газета ҳам яшайди. Мамлакат тарихи, давр солномасини кўпроқ газета-журналлар, китоблар яратади-ку. Тақдиротчилар ҳам асосий материални шулардан олади. Халқига, юртига, раҳбариятига энг садоқатли, фидойи инсонлар — журналистлар, деб ишонч билан айта оламан. Фақат уларга мунтазам эътибор, моддий ва маънавий қўмак керак. Президентимиз бу муаммога ҳам алоҳида эътибор қаратади, деб умид қиламан.

Энг улғун, энг азиз байрамимиз муборак бўлсин, азизлар!

Мукофот кўпроқ изланишга чорлайди



Бахтияр АБДИКАМАЛОВ, Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университети профессори

Шиддат билан ривожланаётган даврда ҳар томонлама етуқ ва баркамол, меҳнат бозори талабларига мос мутахассисларни тайёрлаш олий таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчилар салоҳиятига боғлиқ.

Юртимизда сўнгги йиллари илм-фаннинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиб келаятган илм фидойиларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг меҳнатлари муносиб баҳоланмоқда.

Меҳнат фаолиятимиз давомидаги илмий ишларимдан "Олам тузилишининг ҳозирги замон назариялари" ва интернет тармоғига жойлаштирилган "Травматизация тўқинларининг очилиши" мақолаларим кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Кафедрамиз ўқитувчилари билан биргаликда "Оптика ва атом физикаси бўйича лаборатория ишлари" (2017 й.), "Физика фанлари тарихи ва хронологияси" (2019 й.), "Атом физикаси" (2020 й.) номли ўқув-услубий кўлланмаларимиз нашрдан чиқарилди.

Шунингдек, машҳур олимлар А.Эйнштейн ва С.Хоккингнинг мақола ва китобларини қорақалпоқ тилига таржима қилдим. Абу Райҳон Беруний, мумтоз шоир ва ёзувчилар Бердак, Ажнинёз, И.Юсупов, Т.Қайипбергенов, дунёга машҳур мумтоз адабиёт вакиллари Шекспир, А.С.Пушкин, М.Шолохов, Маштумқули, Н.В.Гоголь асарларининг ва "Ўзбекистон Республикаси" лугатларининг электрон версияларини яратиб, интернет тармоғига жойлаштирганман.

Сўнгги йиллари физика кафедраси ёш ўқитувчилари билан биргаликда олий таълимда физикани ўқитиш методикаси бўйича кенг қўламли ишларни бажариб келмоқдамиз. Шу билан бирга, Таълим сифатини ошириш, бандлик, педагог ходимларнинг фаолияти мониторинги бўлимининг раиси сифатида

университетдаги таълим-тарбия ишларида кўлимиздан келганча ҳисса қўйишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Оиламиз олимлар оиласи, десам асло муболага бўлмайди. Катта ўғлим Ерназар Абдикамалов 2009 йили Трест шаҳрида (Италия) астрофизика бўйича фалсафа доктори даражасини олган, ҳозирги вақтда Назарбоев университетининг физика кафедраси профессори. Қизим Азиза Абдикамалова 2018 йили техника фанлари бўйича фалсафа доктори даражасини олиб, ҳозир УЗФА Қорақалпоқнон билими докторанти. Кичик ўғлим Асқар Абдикамалов Фундаментал физика кафедраси (Хитой, Шанхай шаҳри) астрофизика бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олган.

Президентимизнинг мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан фан, таълим, адабиёт, санъат ва оммавий ахборот воситалари соҳалари ходимларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармониюга асосан, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" фахрий унвони билан тақдирланганим Қорақалпоқ давлат университетидаги барча профессор-ўқитувчиларга бўлган катта ҳурмат ва эҳтиромдир. Мукофот илм-фан йўлида кўпроқ изланиш, самарали меҳнат қилиш, шунингдек, ёш олим шогирдлар тайёрлаш йўлида менга шижоат бағишлайди.

Тараққиёт мезонлари



БЎСТОНЛИҚ ЧИНАКАМ БЎСТОНГА АЙЛанаДИ

Узоқ йиллардан буён мамлакатимизнинг хушманзара гўшалари, бетакрор табиати ҳақида оғиз тўлдириб гапирларди-ю, бу имкониятлардан аҳолининг турмуш даражасини оширишда самарали фойдаланиш мумкинлиги эътибордан четда қолиб келарди.

Кейинги пайтларда туризм соҳасига муносабат бутунлай ўзгарган, фойдаланиш мумкин бўлган ресурслар жуда кўп экани кундек равшан бўлди. Президентимизнинг кун кеча қабул қилинган "Бўстонлиқ туманида бошқарувининг алоҳида

тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда бу соҳа ривожини янада тезлаштиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.



Азиз АБДУРАХИМОВ, Бош вазир ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси:

— Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, йилгига 600 мингга яқин хамюртимиз чет элга саёҳати давомида 1 миллиард 300 миллион долларга яқин маблағ сарфлайди. Бу маблағнинг бир қисmini юртимизда қолдириш имконияти бор.

Бўстонлиқ туманида амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган ишлар айни шу мақсадга қаратилган. "Бўстонлиқ туманида бошқарувининг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонга кўра, эркин туристик зонани ривожлантириш орқали бу ерда кўплаб имтиёзлар ва янги имкониятлар яратилмоқда. Майдони 4,9 минг квадрат километрни ташкил этувчи Бўстонлиқ туманида 7 та шаршара, 4 та сой, 37 та қоятош, 18 та дара, 5 та булоқ, 3 та қайинзор каби экотуризм объектлари мавжуд. 2018 йили бу ерга



Жўрабек АХМЕДОВ, Бўстонлиқ тумани ҳокими:

— Туманининг рақобатбардош устунликларидан самарали фойдаланиш, ихтисослашувини аниқ белгилаш, туристик, муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш учун 2022 йил

432,6 минг нафар сайёҳ келган бўлса, 2019 йилда 531 минг нафарга етиб, кўрсаткич 22 фоиз ошган. Бироқ мавжуд имкониятларни солиштиришда, бу етарли эмас. Чунки ҳудудда 2,1 мингта контейнер, 3,3 минг чодирдан иборат жами 26,2 минг ўринли енгил конструкцияли қурилма ўрнатиш мумкин.

Ҳудуддаги айрим объектлар деярли йилгига беш йил давомида қаровсиз қолиб кетган. Ушбу фармон билан яратилаётган шарт-шароитлар билан танишган инвесторлар иштирокида яқин икки йил ичида 20 гектар ҳудудда замонавий, жаҳон талаб ва стандартларига мос келадиган йирик туристик масканлар барпо этилади. Натижада бу ерда яшаётган фуқаролар иш билан таъминланади.

2017 йили Бўстонлиқда Амирсой тоғ-чанги курорти қурилди. Иккита замонавий канат йўли очилди. Тоғ-чанги трассалари ташкил этилди. Ҳозир эса 4 ва 5 йўлдузли иккита меҳмонхона ҳамда янги канат йўллари, 500 ўринли автотурагоҳ қурилмоқда.

Албатта, улкан ҳаракатлар катта маблағни талаб қилади. Шу боис, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида тоғли ва олис ҳудудларда туристик инфратузилмани ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиши белгиланди. Жамғарма маблағларидан муҳандислик-коммуникация тармоқлари, энергия манбаларини ривожлантириш, кўкаламзорлаштириш ва бошқа бир қатор мақсадларда фойдаланилади. Туманда амалга оширилаётган ислохотларни мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасида тоғли ҳудудларда туристик инфратузилмани ривожлантириш шўъбаси, шунингдек, ҳудудда табиатни муҳофаза қилиш, ер ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, экотуризмни

объектларни тасарруф этиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер майдонлари ажратилиши, туризм объектларини барпо этиш, ҳуллас, ҳудудда инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ барча ҳаракатларда Чорвоқ эркин туристик зонаси дирекцияси муайян ваколатларга эга бўлади.

Директорга хорижий инвесторлар билан кредит ва инвестиция шартномалари ҳамда келишувларини имзолаш, ҳудудда жойлашган, давлат мулки бўлган объектларни ишончли бошқарувга топшириш, лойиҳалаш бўйича нуфузли хорижий архитекторлар, дизайнерларни жалб қилиш ваколатлари берилмоқда.

Ушбу сазъ-ҳаракатлар ҳудуднинг имкониятларини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш, туризм соҳасини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга хизмат қилади.

Фахр

Эзгу амаллардан мақсад — халқимизни рози қилиш



Кутбиддин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби

Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан давлат мукофоти билан тақдирланган юртдошларимиз сафида менинг ҳам исм-фамилиям қайд этилганини кўриб, жуда қувондим. Зеро, инсон учун ҳалол меҳнат қилиб, шу фаолият ортидан халқ ва давлат эътирофи сазовор бўлиш катта ютуқдир.

Албатта, мен эришган бу ютуқ, аввало, ҳар бир инсон ўз салоҳиятини намоён этиши, Ватан тараққиётига, юрт равнақига муносиб улуш қўшиши учун яратилган замонавий имкониятлар маҳсулидир. Бугун шу имкониятлардан самарали фойдаланаётган ҳар бир юртдошимиз катта натижаларга эришаётганини шубҳасиз. Ҳамюртларимизнинг айнан шу фазилатлари ислохотлар самарасини таъминлаётганини қувончларидир. Фаолиятим, асосан, мамлакатимизнинг мудофаа соҳасига боғлиқ кечмоқда. Юртимизда сўнгги тўрт йил мобайнида мудофаа

соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, дунё ва минтақамиздаги вазият ривожини, устувор вазифа ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, янгиланган Мудофаа доктринаси қабул қилинди.

Бу доктринанинг қабул қилиниши натижада ҳарбий соҳадаги халқро ҳамкорлик қўламини кенгайтиди, ўзаро ишонч ортди. Шунингдек, тажриба алмашинуви, ҳарбий тайёргарлик ва Куролли Кучларимизнинг мудофаа салоҳияти юксалди. Бу соҳада кадрлар тайёрлаш тизими тубдан янгиланди. Жойларда ҳарбий-маъмурий секторлар жорий этилди. Армиямизнинг моддий-техник негизи модернизация қилиниб, замонавий қурол билан таъминлаш юқори даражага олиб чиқилди, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди. Пироваддада ҳарбий хизмат чиндан ҳам фахрли касбга айланди. Бугун армиянинг халқ билан бирдамлиги амалда яққол кўринмоқда.

Сўнгги йиллардаги туб ислохотлар ички ишлар соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Хусусан, соҳада парламент назоратини кучайтиришга қаратилган жиҳдий чоралар кўрилди. Жумладан, аввал ички ишлар вазирлиги ахбороти Сенатнинг ялпи мажлисларида эшитилиб, муҳокама этилган ва бу бўйича қақат қарор қабул қилинган бўлса, ҳозир бу йўналишда олинган маълумотлар Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан жойларга чиқиб ўрганилган, камчилик ва хатолар реал вазиятдан келиб чиқиб аниқланмоқда, муҳокама этилмоқда. Шундан кейингина қабул қилинаётган тегишли қарорларда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ топшириқ ва тавсиялар берилиб, уларнинг ижроси қатъий назорат қилинмоқда.

Ҳозирги пайтда қўмитамизнинг яна бир йўналишдаги фаолияти борки, унинг аҳамияти жуда ҳам катта. Қўмита аъзолари бўлган сенаторлар томонидан мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги қўнулар бирма-бир инвентаризациядан ўтказилмоқда. Бунда қўнуларнинг қайси меъёрлари эскирган, қайсылари ҳозирги шароитга тўғри келмайди, қандай ҳаволаки нормалардан воз кечиш

керак, қандай ҳужжатлар тўғридан-тўғри таъсир кучига эга эмас, деган саволларга аниқ жавоб топиш йўлида қўнучилигимиз чўқур таҳлил қилинмоқда.

Бунинг натижасида биз соҳа қўнучилигини тубдан янгилаш ва тақомилга етказиш бўйича тақдирлар ишлаб чиқамиз. Бу эса, ўз навбатида, қўйилган пировад мақсад — миллий хавфсизликни таъминлаш соҳаси ривожини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқишга хизмат қилади.

Соҳадаги камчиликларни бартараф этиш борасида яна бир таъсирчан механизм — парламент ва сенатор сўровларидир. Ҳозирги кунда Сенат аъзолари бу амалиётдан кенг фойдаланмоқда. Хусусан, жорий йилнинг утган даврида қўмитамиз сенаторлари томонидан қирққа яқин сўров берилди. Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича юборилган парламент сўровида йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ мутасадди идоралар фаолиятини тақомиллаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги самарадорлигини ошириш ва тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган дастурлар, йўл хариталари ва режаларда белгиланган барча топшириқларнинг бажарилиши бўйича ёзма шаклда асосланган тушунтириш бериш талаби қўйилган. Шунингдек, мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш мақсадида қондабазарликларни автоматик аниқлайдиган фото ва видеосамалар, онлайн режимда ишловчи фоторадарларни ўрнатиш билан боғлиқ ишларни жадаллаштириш бўйича қандай чоралар қўрилаётгани ва бошқа масалалар ҳам қамраб олинган. Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида ушбу парламент сўрови натижалари муҳокама қилинади.

Олиб борилаётган барча эзгу ишлардан мақсад, аввало, халқимизни рози қилиш, қолверса, юрт ободлиги, эл фаровонлигига муносиб улуш қўшиш. Ишончимиз комилки, дадил қадамлар билан амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар, албатта, қўйилган самараларни беради. Ватанимизнинг куч-қудрати юксалиб, ютуқ ва муваффақиятларимиз кўпайиб бораверади.

Раҳиля МОЛОДЦОВА, "Олмалик кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг 2-мис бойитиш фабрикаси кран машинисти, "Дўстлик" ордени соҳибаси:



— "Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖнинг марказий таъмирлаш механика заводида 1990 йилда кран машинисти вазифасида иш бошладим. 18 ёшли қизнинг оғир саноат корхонасида кран бошқариши, албатта, оддий ҳол эмасди. Қолаверса, раҳматли ота-онам мутлақо бошқа касб эгаси бўлган.

Аммо интилиш ва қизиқиш мени мана шу соҳага етаклади. Саноат шахарчаси бўлган комбинатдаги кенг қамровли, қизгин иш жараёни, завод, фабрикалардаги улкан агрегатлар эътиборини ортди, уларни бошқаришга бўлган иштиёқ кундан-кунга орта борди.

Менга илк меҳнат завқини берган кадрдон комбинатда, мана, 30 йилдан буён ишлаб келаман. Турмуш ўртоғим Алексей Молодцов Қалмоққир қонда ишлайди. Икки фарзандимиз бор. Оиламиз билан шундай жаннат макон заминда тинч, фаровон яшаб, меҳнат қилиб келмоқдамиз. Бундан ортиқ бахт бўлмаса керак!

Саноат



Тармоқлар қайта таъмирланди ва янги қувват ишга тушди

бунинг натижасида қўшимча 62 минг тонна суюлтирилган газ ва 22,5 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқарилади

Президентимизнинг қарорига биноан, бундан уч йил муқаддам Муборак газни қайта ишлаш заводида пропан-бутан аралашмасини олиш қурилмасининг 4-тармоғини қуриш ишлари бошланган эди. Кун кеча мақсуд қувватни фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди.

— Пандемия тўғрисида юзага келган қийинчиликларга қарамай, янги ишоотнинг иш бошлаши мақсадида эришиш йўлида турли тусиқларни енгиб ўтишининг яна бир намунаси бўлди, — дейди "Ўзбекнефтгаз" АЖ бошқаруви раиси Меҳриддин Абдуллаев. — Чунки кейинги пайтда муҳандисларимиз қурилиш-монтаж, технологик ускуналарни ўрнатиш ишларини бажаришга хорижий ҳамкорларимиз билан конференцалоқа усулида ишлашига тўғри келди. Мураккаб масалаларни ҳал қилишда ўзлари мустақил қарор қабул қилиб, ечимини топди. Бунинг натижасида учта тармоқдаги модернизациялаш ва янгисини қуриш ишлари муваффақиятли якуланиб, 350 минг аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш имконияти вуқудга келди. Бу

мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида оз бергани фидойий ишчи-муҳандисларимизнинг байрамга муносиб тўхфаси бўлгани билан ҳам янада қадрлидир.

Муборак газни қайта ишлаш заводида 2012-2013 йилларда пропан-бутан ажрати олиш қурилмасининг учта тармоғи фойдаланишга топширилган. Улар йилгига 12 миллион куб метр газни қайта ишлаб, 258 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тоннагача газ конденсати ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган.

Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш, саноат мақсудлари ишлаб чиқариш ҳажмининг янада кўпайтириш мақсадида 2017-2020 йилларда бу қурилмалар модернизация қилиниб ва 4-тармоғи қурилди. Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 75 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, уларни реконструкция қилиш ва янгисини ишга тушириш тўғрисида йилгига қўшимча 62 минг тонна суюлтирилган газ ва 22,5 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқарилади. Бу, ўз навбатида, саноат корхоналари ва турар

жай коммунал хўжалиги корхоналарининг ҳам ушбу мақсудга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади.

Янги тармоқ йилгига 3 миллиард метр куб газни қайта ишлаш ва 38,4 минг тоннадан ортиқ мақсуд олиш имкониятига эга. Етмишга яқин ҳодимини иш билан таъминлаётган корхонанинг янги қуввати "Ўзбекнефтгаз" АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан қурилган бўлиб, сарфланган маблағ олти йилда ўзини қоплайди.

Қурилиш ишларини маҳаллий "Нефтгаз-монтаж" корхонаси амалга оширган бўлса, технологик ускуналар Германиянинг "Линде", "Гросман", Украинанин "Сумск", "Мотор Сич", "Турбогаз" заводлари, шунингдек, "Ўзбекнефтгаз", "Ташкент труба заводи" ва бошқа корхоналар томонидан етказиб берилди.

Тез орада "Ўзбекнефтгаз" АЖнинг Шўртан ва Газлидаги корхоналарида ҳам суюлтирилган газ ишлаб чиқарувчи ана шундай қувватлар ишга тушади.

Абдурауф НУРУЛЛАЕВ

